

## Тибетлик мусулмонлар ҳақида 5 та факт



11:08 / 08.11.2018 3622

Тибет тарихи деганда бу ердаги аксарият аҳолининг дини бўлгани учун эмас, балки кўпчилик тибетлик тарихчилар буддавий руҳонийлар бўлгани сабабли, тасаввуримизда доим буддавийлик гавдаланаверар эди. Бироқ тибет аҳолисининг тахминан 2-3% мусулмонлар ташкил қилади. Биз Катманду, Непалдаги тибет мусулмонларининг оқсоқоллари Муҳаммад Иброҳим ва Абдул Раҳмон Батлар билан учрашдик, улар бизга тибет мусулмонларининг унчалик катта бўлмаган жамоатлари ҳақида қуйидаги фактларни сўзлаб беришди.

*1. Мусулмонлар ҳамиша Тибетдаги буддавийлар билан тинч ҳаёт кечириб келишган.*

Баъзи бир манбаларга қараганда, XIV ва XVII асрлар ўртасида Непал, Хитой ва Ҳиндистондан мусулмон савдогарлар Тибетда келиб жойлашишган, бошқа мусулмонлар эса у ерда деярли минг йил мобайнида ҳаёт кечиришган. Энг қизиғи, мусулмонлар худди тибетлик буддавийлар каби ўз маданиятларини сақлаган ҳолда узоқ вақт давомида мамлакатнинг ажралмас қисми бўлишган.

Лхасада тўртта масжид, Шигадзе ва Цэтанеда икки масжид бор – уларнинг бари тибет меъморчилик услубида бунёд этилган. Лхаса ва

Шигадзедда, шунингдек бир қатор ислом мактаблари, мадрасалар жойлашган.

Бугунги кунда Кашмирда тибет мусулмонларининг энг катта жамоаси истиқомат қилади. Қолган унча катта бўлмаган жамоалар Катманду, Дарджилинга ва Калимпонга атрофларида сочиб ташланган. Кўпчилиги Тибетда ҳам қолган. Деярли уларнинг ҳаммаси бир-бири билан оилавий муносабатлар ва жамоат ришталари билан боғланган.

## *2. Тибет мусулмонлари ҳамيشа мақтовга сазовор бўлган.*

Айтишларича, Далай-лама V мусулмон савдогарларни, уларга имтиёзлар ва Лхасада масжид ва қабристон қуриш учун ер тақдим этган ҳолда, Тибетда қолишни таклиф қилган экан. Мусулмонлар, шунингдек солиқлардан ҳам озод қилинган.

Алалоқибат, у ерда кўним топган маҳаллий мусулмон жамоати катта эркинликлардан фойдаланишган. Улар жамоат аъзоларидан сайланган беш кишилик Қўмитани ташкил этишади. Бу Қўмита жамоатнинг ички ишларини бошқаради ва шариат қонунлари асосида келишмовчиликларни ҳал этади.

Ҳозирда у ерда тибетлик мусулмонлар ҳақида юқори фикр мавжуд. Муҳаммад Иброҳимнинг сўзларига кўра, тибет етакчиси фақат мусулмон қассоб унга етказиб берадиган ҳалол гўштдан истеъмол қилган ва у бу гўштни бошқасидан покизароқ, деб ҳисоблаган.

## *3. Тибет мусулмонлари қувғиндаги тибет маданиятини сақлаб қолишга кўмак беришди.*

1950 йилда Тибет хитойликлар томонидан қўшиб олинганидан кейин бутун дунёдаги тибетлик жамоалар ўз миллий мероси, маданияти ва тилини сақлаб қолишга жуда катта куч сафарбар қилишди ва, бунда тибетлик мусулмонлар ўрни катта бўлди.

Катманду жамоатчилиги оқсоқолининг миллий либосини кийган рафиқаси ўз уйида мени тибет чойи билан меҳмон қилди. Непалда туғилган барча одамлар, шу жумладан ёшлар, тибет тилида гаплашишган. Девордаги Қуръони карим оятларидан ташқари уйдаги барча ашёлар ҳар қандай бошқа тибет уйида кўрадиганингиздан асло фарқ қилмайди.

*4. Тибетлик мусулмонлар ўзларининг қувғин қилинишларини ҳижрат деб қабул қилишади.*

Жамоат оқсоқолининг гапларига кўра, уларни келиб чиқиши ҳинд, непал, хитой бўлган чет элликлар деб қабул қилган хитой ҳукумати билан улар муаммоларга дуч келишган. Уларнинг савдолари ҳозир ҳам яхши кетмоқда, сиёсий кескинликнинг асло таъсири йўқ. Ҳиндистон ва Непалга қайтишга рухсат сўраб илтимос билан мурожаат қилишларига ўз динлари ҳақидаги қайғуриш сабаб бўлган.

“Миграциянинг асосий сабаби диндир, шунинг учун у бизлар учун ҳижрат деб ҳисобланади десак, асло муболаға бўлмайди”, – дейди менга Непалда туғилган жамоатнинг кенжа вакили Аҳмад Камол.

*5. Тибетлик мусулмонлар Катмандуда Мусулмонлар фаровонлиги ассоциациясига асос солдилар.*

Гарчи Мусулмонлар фаровонлиги ассоциацияси норасмий равишда анчадан буён фаолият юритаётган бўлса-да, ушбу ноҳукумат ташкилотининг Непалда рўйхатдан ўтганига унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Бюджет чегаралангани боис, у асосий эътиборни таълимга қаратмоқда. Ҳади ва эҳсонлар жамоат аъзоларидан Закот жамғармаси, шунингдек тибетликлар ва тибетлик бўлмаганларнинг стипендияси учун йиғилади, бунда уларнинг 90% фақат мусулмонларга берилади.

Хориж материаллари асосида тайёрланди.

***Islom.uz портали таҳририяти***